



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдуназаровна Бабаназарова Инсон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг концептуал йўналишлари	5
Раъно Суннатхоновна Умарова Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини оширишга бўлган замонавий ёндашувлар	10
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Berdiyar Yangiboyevich Yangiboyev Sun'iy intellekt texnologiyalaridan milliy iqtisodiyotda foydalanishning ayrim jihatlari	18
Тўлқин Шокирович Эргашев Инновацион тадбиркорлик фаолияти билан кадрлар тайёрлаш менежменти ўртасидаги иқтисодий алоқадорликнинг намоён бўлиш хусусиятлари	21
Munavvar Sur'at qizi Xusniddinova Turizmدا raqamli texnologiyalardan foydalanish: jahon tajribasi va o'zbekiston uchun xulosalar	26
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Интеграция вузов и предприятий в инновационном развитии экономики	32
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Ирода Болиева Флавоноидлар ва инсон саломатлиги	36
Botir Khayat Muradov, Olimjon Komiljonovich Muratkulov Problems and solutions to the prospects for the transition of mining enterprises to a green economy on the example of the coal industry	39
Рузбой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Гафуров, Суннат Бозоров Озуқабоп тоғлар ва соғлом овқатланиш	42
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Shuhrat Marufjonovich Islomov, Avazbek Sa'dullayevich Qarshiyev Mehnat bozorida o'zgarishlarning o'rtacha ish haqiga ta'siri va uning tahlili	45
Maftuna Shavkatovna Xudayarova Aholining tadbirkorlik faolligini baholashning hududiy yondashuvi	50
Murodbek Dushmanov o'g'li Usmonov Qishloq joylarida aholi bandligini oshirish orqali kambag'allikni qisqartirish yo'llari	57
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Дилбар Хасановна Асланова, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Анализ предложения на рынке услуг высшего образования и тенденции его развития	61
Обид Мамаюнусович Пардаев Юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилиши	64

<https://interjournal.uz/index.php/journals/article/view/325interjournal.uz>

8. Хакимов, М.Р. Развитие инновационных технологий в системе высшего образования Республики Узбекистан. 2020 г. *Re-health journal*. Доступно по ссылке: <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-innovatsionnyh-tehnologiy-v-sisteme-vysshego-obrazovaniya-respubliki-uzbekistan>
9. Becker, G. S. *Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education*. (1964). University of Chicago Press.
10. Brown, P., Lauder, H., & Ashton, D. *Education, Globalisation and the Future of the Knowledge Economy*. *European Educational Research Journal*, (2008). 7(2), 131–156.
11. Schultz, T. W. Investment in Human Capital. *The American Economic Review*, (1961). 51(1), 1–17.
12. Факторы конкурентоспособности образовательного хаба в Узбекистане. Институт прогнозирования и макроэкономических исследований (ИПМИ). (2023). *UZA.uz*. Доступно по ссылке: <https://uza.uz/ru/posts/factory-konkurentosposobnosti-obrazovatelno-go-xaba-v-uzbekistane> 299975uza.uz+1imrs.uz+1

<p style="text-align: center;">D.Aslanova, T.Ibragimov</p> <p style="text-align: center;">Oliy ta’lim xizmatlari bozoridaagi taklif tahlili va uning rivojlanish tendentsiyalari</p> <p>Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekistonda oliy ta’lim xizmatlari bozorining rivojlanishi har tomonlama tahlil qilinib, asosiy tendentsiyalar va muammolar, jumladan, bitiruvchilarning tayyorgarlik yo‘nalishlari bilan mehnat bozori talablari o‘rtasidagi nomutanosiblik aniqlangan. Statistik ma’lumotlar va qiyosiy tahlil asosida ta’lim sifatini va bitiruvchilarning bandligini oshirish bo‘yicha amaliy tavsiyalar ilgari surilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: oliy ta’lim, ta’lim xizmatlari bozori, bandlik, bitiruvchilarning ishga joylashuvi, raqamli transformatsiya, O‘zbekiston.</p>	<p style="text-align: center;">D.Aslanova, T.Ibragimov</p> <p style="text-align: center;">Analysis of supply in the higher education services market and trends of its development</p> <p>Abstract. This paper provides a comprehensive analysis of the higher education services market development in Uzbekistan, identifying key trends and challenges, including the mismatch between graduates’ training profiles and labor market demands. Based on statistical data and comparative analysis, practical recommendations are proposed to improve education quality and graduate employment.</p> <p>Keywords: higher education, educational services market, employment, graduate employment, digital transformation, Uzbekistan.</p>
---	--

Обид Мамаюнович Пардаев – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаменти директорининг 1-ўринбосари, PhD.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ХИЗМАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация. Мақолада юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Бунда юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари тадқиқ қилиниб, унинг таърифи ишлаб чиқилган ва мазмуни очиб берилган. Юқори технологик хизматлар ҳозирги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида барча соҳаларда, шу жумладан коммунал хизмат кўрсатувчи соҳада ҳам қўлланилиши, ушбу хизматлар замонавий ва илғор технологиялар асосида кўрсатиладиган махсус хизматлар тури эканлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқишга ҳам муваффақ бўлинган.

Калит сўзлар: коммунал хизматлар, хизматлар, хизмат кўрсатиш, юқори, технология, юқори технологик хизмат, инновация, рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, электр таъминоти.

Кириш. XXI аср барча соҳалар сингари иқтисодиётда ҳам глобаллашув, рақобатнинг субъектлараро даражасидан халқаро даражага қўтарилганлиги, ҳисоб-китоб тизимининг жаҳон миқёсида бир хил андозага келтирилаётганлиги, мамлакатларнинг интеграциялашувининг тезлашиши, замонавий бизнес қоидаларининг тез ўзгариши каби кескин жараёнларнинг содир бўлиши билан бошланди. Бундай тез ва кескин содир бўлаётган ўзгаришлар ва жараёнлар ахборот тизимини такомиллаштиришга, дунё миқёсида иқтисодиётни бошқаришнинг бир-бирига ўхшаш ва мувофиқ келадиган

тизимнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ҳозирги пайтда дунё аҳолиси интернет орқали бир-бири билан чекланмаган ахборотлар оқими орқали мулоқат қилмоқдалар. Бу эса ўз навбатида одамлардан ҳам тезкорликни, ахборотлардан тез хулоса чиқариб, зудлик билан бошқарув қарорларини қабул қилишни талаб қилмоқда. Айни пайтда худди шундай талаблар хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳам дахлдор бўлиб бормоқда. Натижада юқори технологик хизматларга эҳтиёж пайдо бўлди ва у аста секинлик билан шаклланиб ривожланиб бормоқда. Бундай шароитда мазкур соҳани тадқиқ қилиш ўта долзарб масалалар сирасига киради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада юқори технологик хизматларнинг назарий масалалари ва уларнинг коммунал хизматлар соҳасида қўлланилишини тадқиқ қилиш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, мантикий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Юқори технологик хизматларни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш хизмат кўрсатиш соҳасида бир қанча жараёнларни такомиллаштиришни, унинг тезкорлигини таъминлашни тақозо қилмоқда. Зеро, бугунги иқтисодиёт хоҳ у макро, хоҳ у микро даражада бўлмасин, хоҳ у ишлаб чиқаришда, хоҳ у хизмат кўрсатиш соҳаларида бўлмасин товарларнинг омборларда сақланиб қолишини, хом ашё ва материалларни ёки маҳсулотни қиммат нархда харид қилишни, бировларда қарзларнинг ойлаб ҳатто йиллаб ётишини, бойликни талон-тарож қилишни, бизнесга ва корхона фаолиятига бефарқ бўлишни, талаб бўлиб турган пайтда хизмат қила олмасликни кўтара олмайдиган, унга тоқат қилиб бўлмайдиган иқтисодиётдир. Демак, жамиятда юқори технологик хизматларга эҳтиёж борми, у қондирилиши керак. Чунки ушбу технологиядан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида бир қанча юқорида таъкидланган муаммоларнинг ҳал қилинишига асос бўлади.

Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатишнинг янги-янги турлари, шу жумладан, юқори технологик хизматлар ҳам пайдо бўлмоқда. Улар ўртасида рақобат муҳити шаклланди. Худди шундай ҳолат Самарқанд вилоятида кўрсатиладиган хизматлар тизимида ҳам мавжуддир. Зеро, бу тизимда ҳам турли мулк шаклига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатмоқда. Бундай вазият барча соҳаларда, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, айниқса юқори технологик хизматларни замонага мос тарзда ривожланишини тақозо қилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, юқори технологик хизматлар, хизматлар соҳасининг барча йўналишларида ҳам қўлланилмоқда. Аммо шунга қарамадан хизматлар тизимида юқори технологик хизматлар етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бундай зарурият дунё олимлари қаторида мамлакатимиз олимларини ҳам шу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини туғдирмоқда. Чунки, ҳар қандай тармоқнинг ривожланишига ёки бирорта жараённинг такомиллашу-виға кўр-кўрона эришиб бўлмади. Уларни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари чуқур тадқиқ қилиниши лозим. Бундай муаммолардан бири хизмат кўрсатиш корхоналарида юқори технологик хизматларни амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Энди унинг назарий талқинга диққатни қаратамиз. Умуман олганда хизмат тушунчасига етарли даражада таъриф берилган. Жумладан, М.М.Муҳаммедов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Очилов кабилар томонидан берилган таърифта кўшиламиз. Унда айтилишича: “Хизмат дейилганда инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”¹. Аммо юқори технологик хизматларнинг таърифи иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Шу туфайли ушбу масалага асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Юқори технологик хизматларнинг таърифини ишлаб чиқиш учун ушбу учта сўздан

¹ Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.- 37 б.,

иборат сўз бирикмаларини талқин қилиш лозим, деб топдик. Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида “Юқори” сўзининг маъноси 10 та йўналишда изоҳланади. Унинг олтинчисида “Микдор, сифат ва ш.к. жиҳатдан, меъёрдан, мавжуд ҳолатдан ортик, ортик даражали”¹, дейилган. Бу бевосита бизнинг назарий масаламизга тўғри келади. Юқори технология сўзига изоҳни рус тилида 1999 йилда нашр қилинган “Большой экономический словарь”да ҳам берилмаган². “Технология” сўзига “Большой экономический словарь”да ҳам, Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида ҳам изоҳ берилган.

Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида “Технология” сўзига иккита изоҳ берилган. “1. Ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, яримфабрикат ва ш. к. ларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартиришдақўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи. 2. Хомашё ва материалларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида ишлов бериш усули ва йўллари ҳақидаги фан”³. Унинг луғовий маъноси юнончадан олинган бўлиб, “techne – маҳорат, санъат + logos – таълимот” сўзларини англатади. Худди шунга ўхшаш изоҳ “Большой экономический словарь”да ҳам келтирилган. Унда айтилишича “Технология – ишлаб чиқаришга киритилган элементларнинг ундан чиққунча бўлган жараёнларида қўлланиладиган воситалар, операциялар, усуллар мажмуаси; бу машиналарни, механизм ва жиҳозларни ҳамда тажриба ва билимни ўз ичига олади”⁴, деб кўрсатилган.

“Хизмат” сўзининг луғовий маъноси ҳам Ўзбек тилининг 5 жилдлик изоҳли луғатида берилган. Ушбу сўз араб тилидан олинган бўлиб “хизмат, иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам” сўзларини англатиши кўрсатилган ва унга 8 та изоҳ берилган. “1. Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат”, деб кўрсатилган. Сакиизинчи изоҳнинг таркибида “Хизмат кўрсатмоқ” сўзи иқтисодиётга яқин ва мос келади. Унда айтилишича “Хизмат кўрсатмоқ” сўзининг маъноси “Кишилар эҳтиёжини, талабини қондириш билан боғлиқ бирор иш қилмоқ”⁵, тушунилади дейилган.

Энди учта сўз бирикмасидан ташкил топган “Юқори технологик хизмат”га изоҳ бериб, тегишли таърифни ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик: **“Юқори технологик хизмат дейилганда инсоннинг, хужалик юритувчи субъектлар, давлат ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг анъанавий хизматлардан ортик даражали усуллар, воситалар, операциялар мажмуини ўз ичига олган илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда қилинадиган ишлар билан боғлиқ наф келтирадиган онгли фаолияти тушунилади”**. Ушбу таърифнинг олдингилардан афзаллиги шундаки, унда келтирилган учта сўз бирикмасидан иборат бўлган гапнинг мазмуни тўлиқ қамраб олинган. Бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, изоҳли луғатда қайд қилинганидек, хизмат фақат инсонларгагина кўрсатилмайди. У бевосита инсонлар билан бирга барча хужалик юритувчи субъектларга (шу жумладан оилаларга), давлатга ва жамиятга ҳам кўрсатилади. Шу туфайли таърифга фақат инсонлар эмас, балки бошқа субъектлар ҳам киритилди.

Иккинчидан, хизмат шунчаки амалга оширилмаслиги лозим. У “маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган” бўлиши керак. Эҳтиёж ҳам кенг маънода олинган.

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж.У. Таҳрир хайъати: Т.Мирзанов (раҳбар) вабошқалар; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 97 б.

² Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. доп. и перераб.- М.: Институт мировой экономики, 1999. – 1248 бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1У. Таҳрир хайъати: Т.Мирзанов (раҳбар) вабошқалар; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 81 б.

⁴ Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. доп. и перераб.- М.: Институт мировой экономики, 1999. – 1060 бет.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1У. Таҳрир хайъати: Т.Мирзанов (раҳбар) вабошқалар; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 395-396 бетлар.

Бунда нафақат кишиларнинг, балки, хужалик юритувчи субъектларнинг, давлат ва жамиятнинг эҳтиёжи қондирилиши лозим. Шу туфайли бу масала ҳам таърифда ўз аксини топган.

Учинчидан, оддий хизматларда кишиларнинг наф келтирадиган анъанавий фаолияти тушунилса, юқори технологик хизматларда эса, “анъанавий хизматлардан ортиқ даражали усуллар, воситалар, операциялар мажмуини ўз ичига олган ишлар” ўз ифодасини топган.

Тўртинчидан, барча ишларни амалга оширишда кишиларнинг бирор мақсадга (бу мақсадлар юқорида келтирилди) йўналтирилган “онгли фаолияти тушунилади”, деб кўрсатилиши ҳам юқори технологик хизматнинг моҳиятини назарий жиҳатдан очишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, юқори технологик хизматларнинг такомиллашган янги таърифи вужудга келди. Ушбу таъриф тадқиқ қилинаётган хизматларнинг таркибини, асосий йўналишларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Юқори технологик хизматлар ҳозирги инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида барча соҳаларда, шу жумладан коммунал хизмат кўрсатувчи соҳада ҳам қўлланилади. Бундай хизматлар замонавий ва илғор технологиялар асосида кўрсатиладиган махсус хизматлар тури ҳисобланади. Уларнинг асосий мазмуни ва хусусиятлари ўзига хос бўлиб, қуйидагиларни қамраб олади. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, юқори технологик хизматларни умуй олганда, бунга сунъий интеллект, маълумотларни таҳлил қилиш, биотехнология, нанотехнология, робототехника, ахборот-коммуникация технологиялари каби илғор технологияларни кенг қўллаш орқали амалга оширилади. Бундай илғор технологиялар мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётига жадаллик билан кириб келмоқда.

Иккинчидан, бу хизматлар шундайки, уни кўрсатиш учун мураккаб жараённи бошқара оладиган, юқори малакали мутахассисларни талаб қилади. Масалан, тиббиётда геном таҳлили, IT соҳасида киберхавфсизлик, молия соҳасида алгоритмик савдо, саноатда интеллектуал автоматлаштириш каби ихтисослашган ва кўрсатилиши юқори технологияларга асосланган мураккаб хизматлардир.

Учинчидан, инновацияларга асосланган юқори технологик хизматлар ва илғор тажрибалар асосида шаклланган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган хизматлар, энг юқори самарали хизмат турларидан ҳисобланади. Булар асосан янги технологиялар бўлиб, тегишли синовлардан ўтказилган ва маълум даражада самара берадиган бўлишлиги лозим. Ушбу хизматлар ишлаб чиқишдан тортиб, хизматларни истеъмол қилгунча бўлган босқичларни тўлиқ қамраб олиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Инновацияларга асосланган бундай хизматлар ҳақиқатда юқори технологик хизматлар сирасига киради.

Тўртинчидан, юқори технологиялар ёрдамида ҳар бир мижоз ёки компаниянинг аниқ эҳтиёжлари ва муаммоларига мос равишда махсус ечимлар ишлаб чиқилади. Бунда ҳар бир мижозларнинг муаммосига қараб индивидуал ечимлар тақдим этилади. Ушбу жараёнга ҳар бир хизмат кўрсатувчи субъектлар, шу жумладан коммунал хизматларни кўрсатувчи корхоналар ҳам тайёр бўлиши лозим.

Бешинчидан, юқори технологик хизматлар янги бозорлар ва соҳаларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг янги соҳалари, масалан, рақамли иқтисодиёт, биотехнология ёки экологик инновацияларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бу айнан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларда жуда қўл келади.

Олтинчидан, автоматлаштирилган тизимлар орқали ресурслар истеъмоли аниқ кузатилиб, йўқотишлар камайиши ҳисобига хизматлар самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилади. Бунда “Ақлли” ҳисоблагичлар (smart meters) орқали энергия, сув ва иссиқлик сарфини реал вақтда мониторинг қилиш мумкин бўлади. Бунда тежамкорлик билан бирга сифат кўрсаткичларига ҳам эришилади.

Еттинчидан, хизматлар кўрсатиш соҳасида сифатлар яхшиланади. Бунда тизимдаги аҳволларни тез аниқлаш ва муаммолар пайдо бўлса, зудлик билан бартараф этиш имкони

пайдо бўлади. Масалан, сенсорлар орқали сув оқиб кетиши ёки электр узилиши каби ҳолатлар рўй берадиган бўлса, буларни тезда аниқлаш имконияти яратилади. Шунингдек, фойдаланувчилар билан мулоқот яхшиланади — мобил иловалар ёки веб-платформалар орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Муҳим жиҳатлардан бири бўлган турли вазиятлардаги мурожаатлар осонлашади.

Саккизинчидан, ишчи кучи ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари автоматлаштириш ҳисобига камаяди. Шунингдек, ноқонуний уланишлар ва ресурслардан ноқонуний фойдаланиш масофадан туриб аниқланади ва бу орқали турли шаклдаги маблағ йўқотиш олди олинади. Пировардида харажатларни камайтириш имкониятлари ҳам пайдо бўлади.

Тўққизинчидан, ресурсларни тежаш ҳисобига чиқиндилар ва иссиқхона газлари камаяди. Ушбу ҳолатлар қайта ишлаш ва энергия самарадорлигини оширишда турли технологиялар (масалан, “ақлли” чиқинди йиғиш) табиатга ижобий таъсир кўрсатади. Бу экологик самарага ҳам эришиш имкониятини яратади.

Ўнинчидан, тўпланган маълумотлар асосида коммунал хизматларни кўрсатувчи тармоқларнинг келажақдаги эҳтиёжларини прогнозлаштириш, инвеститсия режаларини тузиш, “Big Data” ва AI орқали талабни олдиндан башорат қилиш (масалан, қайси мавсумда қанча иссиқлик керак бўлиши) каби стратегик режалаштириш имкониятлари ҳам юқори технологик хизматлар эвазига амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, юқори технологик хизматлар моҳияти жиҳатидан, юқори малакали кадрлар, илғор технологиялар ва инновацион ёндашувларга асосланган, мураккаб ва махсус хизматлар сифатида иқтисодийнинг рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини таъминлайдиган хизмат турларидан биридир.

Коммунал хизматларни кўрсатиш соҳасида (яъни, электр таъминоти, иссиқлик, сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқалар) юқори технологик хизматларнинг қўлланилиши бир қатор муҳим афзалликларга эга. Жумладан:

- ақлли шаҳарлар (Smart Cities) концепциясида коммунал хизматлар марказий бошқарув тизими орқали назорат қилинади;

- баъзи мамлакатларда чиқинди йиғиш графиги аҳолининг ҳаракатланиш маълумотлари ва чиқиндилар миқдorigа қараб автоматик равишда режалаштирилади.

- кўрсатилган ва кўрсатилиши лозим бўлган коммунал хизматлар ҳақида маълумотлар рақамли технологиялар асосида аниқ кўрсатилиб борилади. Бу эса мазкур масала бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятларини ҳам яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Большой экономический словарь / Под ред. А.Н.Азрилияна. – 4-е изд. доп. и перераб.- М.: Институт мировой экономики, 1999. – 1248 бет.
2. Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари. // Сервис илмий-амалий журнал. 2024 йил 4/2-сони. – 5-10 бетлар.
3. Очиллов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.- 37 б., Пардаев М.Қ., Очиллов И.С.
4. Obid Pardaeв. Yuqori texnologik xizmatlarning o‘ziga xos xususiyatlari. Batafsil: <https://telegra.ph/YU%D2%9Bori-tehnologik-hizmatlarning-%D1%9Eziga-hos-hususiyatlari-06-26-2>. <https://t.me/SamTvr>. 643. 7:05.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1У. Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзанов (раҳбар) ва бошқалар; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 81 б.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.У. Таҳрир хайъати: Т.Мирзанов (раҳбар) вабошқалар; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 97 б.

<p>О.Пардаев</p> <p>Теоретические вопросы высокотехнологичных услуг и их применение в сфере коммунального хозяйства</p> <p>Аннотация. В статье изучаются теоретические вопросы высокотехнологичных услуг и вопросы, связанные с их применением в сфере коммунального хозяйства. В этой связи изучаются теоретические вопросы высокотехнологичной услуги, разрабатывается ее определение и раскрывается ее содержание. Рассмотрено применение высокотехнологичных услуг во всех отраслях, в том числе и в коммунальном хозяйстве, в условиях современной инновационной и цифровой экономики, то, что данные услуги являются видом специальных услуг, оказываемых на основе современных и передовых технологий, и их специфические особенности, разработан ряд научных рекомендаций.</p> <p>Ключевые слова: коммунальное хозяйство, услуги, предоставление услуг, высокие технологии, высокотехнологичная услуга, инновации, цифровизация, цифровая экономика, электроснабжение.</p>	<p>O.Pardaev</p> <p>Theoretical issues of high-tech services and their application in the sphere of public utilities</p> <p>Abstract. The article studies theoretical issues of high-tech services and issues related to their application in the sphere of public utilities. In this regard, the theoretical issues of a high-tech service are studied, its definition is developed and its content is disclosed. The application of high-tech services in all industries, including public utilities, in the context of a modern innovative and digital economy is considered, the fact that these services are a type of special services provided on the basis of modern and advanced technologies, and their specific features, a number of scientific recommendations are developed.</p> <p>Keywords: public utilities, services, provision of services, high technologies, high-tech service, innovations, digitalization, digital economy, electricity supply.</p>
--	--

Феруз Нематуллаевич Абилов – Самарқанд вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва Сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, СамИСИ тадқиқотчиси

ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТУВЧИ ИНСОН РЕСУРСЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<p>Аннотация. Мақолада қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилишнинг. Агросервис хизматларини амалга оширишда инсон ресурсларининг ҳудудлар кесимида жойлашуви ҳам алоҳида аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида доимий аҳолининг ўсиш суръати ва унда қишлоқ аҳолисининг 2010-2024 йиллар давомида ўзгариши бўйича маълумотлар таҳлили ҳам келтирилган. Шунингдек, инсон ресурслари малакасини агросервис нуқтаи назаридан такомиллаштириш масалаларига ҳам ёритилган.</p> <p>Калит сўзлар: қишлоқ ҳудудлари, шаҳар ҳудудлари, агросервис хизматлари, инсон ресурслари, доимий аҳоли, қишлоқ аҳолиси, экологик брқарорлик, таълим, соғлиқни сақлаш, агрокластерлар.</p>

Кириш. Инсон ресурслари иктисодиётнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатади. Булардан бири қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини такомиллаш-тиришга қаратилад. Чунки, Президентиз таъкидлаганидек, “Сўнгги ўн йилликда сайёрамизда сув танқислиги, қурғоқчилик, экстремал ҳараратларнинг тез-тез рўй бериши каби табиий офатлар сони кўпайди. Масалан, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ҳар йили ўртача 100 та шундай ҳодиса кузатилган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 400 тага етди. Бу эса ўз навбатида, аграр тармоқда маҳсуот етиштириш ҳажмининг камайиши, даромадларнинг пасайишига олиб келмоқда, қишлоқ

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{8}$. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.